



Мана шу ўринда имом Нававий ўзларининг «Риёзус-солиҳийн» номли китобларида тавба ва унинг шартлари ҳақида айтган сўзларини келтиришни лозим топдик. У зот раҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Уламолар дейдилар: «Барча гуноҳлардан тавба қилмоқ вожибdir. Агар қилинган гуноҳ Аллоҳ билан банданинг ўртасида воқеъ бўладиган гуноҳлардан бўлса, тавба қилишда уч нарса шарт қилинади;

1 - Мазкур гуноҳдан бутунлай тийилиш.

2 - Шу гуноҳни қилганидан пушаймон бўлиш.

3 - Бу гуноҳга асло қайтмасликка азми-қарор қилиш.

Агар ушбу шартлардан бирортаси амалга оширилмай қолса, қилинган тавба ҳисобга ўтмайди. Агар қилинган маъсият-гуноҳ инсон ҳуқуқига тааллуқли бўлса, у ҳолда тавбага тўрт нарса шарт қилинади; аввал айтиб ўтганимиз учта шартга қўшимча тўртинчи шарт – ҳақ эгасини рози қилиш. Масалан, мол-мулк ва шу каби нарсани тортиб олган бўлса, уни эгасига қайтариш. Агар унинг ҳаққига бўхтон қилган, ёки бирор маънавий зарар етказган бўлса, унга берилажак шаръий ҳукмга итоат этиш ёки ҳақ эгасидан афв этишини илтимос қилиш. Агар бирорни ғийбат қилган бўлса, ғийбат қилинган шахс ҳузурига бориб, қилган хатосини этироф этиб, ундан узр сўраш.

Агар қилган гуноҳлари турлича бўлиб, уларнинг баъзиларидан тавба қилиб, баъзиларидан қилмаган бўлса, қилган тавбаси ана шу тавба қилинган гуноҳга нисбатан ҳисобга олинади, қолган гуноҳларга қилиниши вожиб бўлган тавба ундан соқит бўлмай туради.

Тавбанинг вожиб эканига китобу суннат ва умматнинг ижмосидан



етарлича далиллар мавжуд»». (Шу ерда имом Нававийнинг гапларидан иқтибос тугади)

Умар ибн ал-Хаттоб «ат-тавбатун-насух – холис тавба»ни қуидаги сифатлаганлар: «»Ат-тавбатун-насух – холис тавба»; «Банда бир гуноҳ ишдан тавба қилганидан кейин, соғиб олинган сут елинга қайтиб кирмаганидек, у ҳам ўша гуноҳ ишга қайтиб қадам босмаслигидир»».

Биродарлар, юқоридаги тавба ҳақида айтганларимиздан маълум бўладики, қачонки насух – холис тавба қиладиган бўлсак, қилган тавбамиз ўзининг зиёси билан нурли чироқ каби қалбимизни қоплаб олган гуноҳ ишларнинг зулматини тарқатиб юборади. Аллоҳ таоло ҳаммаларимизни «насух – холис тавба» қилишга муваффақ айласин!

### **3 - Қабр зулмат, Ла илаҳа иллаллоҳ, Мұхаммадур-Расулуллоҳ унинг чироғидир**

#### **Учинчи зулмат: Қабрдаги зулмат**

Юқорида баён қилиб ўтганимиз; биринчи ва иккинчи зулматлар маънавий зулматлар эди. Аммо қабрда бўладиган зулмат эса, ҳиссий – ҳақиқий зулматдир. Гўр деб аталмиш бу қоронғи ўрага дағн этилган, бу дунёни тарк этиб, охират сари ўз сафарини бошлаган шахс унда ёру дўстлари, бола-чақаларидан жудо бўлиб то Қиёмат қоим бўлгунга қадар танҳо қоладиган жойдир. Хеш-акраболари уни дағн этиб қайтишгач, саноқли кунларгина ёдга олиб турадилар. Кунлар ўтиб боргани сайин уни ёдларидан чиқара борадилар. Эслашса ҳам, соғинчдан келиб чиқиб эмас, шунчаки, бирор муносабат сабаблигина эслашади. Шоир Ҳазиний ушбу манзарани ажойиб бир суратда назмга солган эдилар. Сиз ҳам бир ўқиб кўринга!:



Аёғинг остига бокғил, ҳама ер ичра пинҳондур,  
«Манам шундек бўлурман» деб, санинг парвойинга келмас.  
Лаҳад ичра ётурсан ёзу қиши ўтғонини билмай,  
Ўғул-қиз, ёру дўстинг келиб сандан хабар олмас.  
Сан ўлғон сўнг ҳама фарзандларинг молингни олгайлар,  
Санинг ҳолинг нечук кечгай қаро ерда, булар билмас.  
Ўлум ёшу қари, шоҳу гадоларга баробардур,  
Билинг, жон олгучи элни назарга заррача илмас.

Ҳа азиз дўстлар, инсон ҳаётлик чоғида хайрли ишларни амалга ошириб, садакаи жориялар қилиб кетган бўлса, уни ёдга олинишида шубҳа йўқ. Бироқ умрида мусулмонларга нафи тегмаган, на ҳаётлик чоғида ва на ўлганидан кейин қолганларга нафи етиб турадиган бирон хайрли иш қилмаган шахс эса, тезда унутиб юборилади. Уни бегоналаргина эмас, ҳатто ўзининг фарзандлари ҳам тезда эсдан чиқариб юборадилар.

Энди у, бу жойда зулмат ичра танҳо ўзи қолиб кетади. Агар у ҳаётини гуноҳ билан ўтказганлардан бўлса, яна бир зулмат – гуноҳкорлик зулмати кўшимча бўлади. У мана шу икки зулмат ичиди қаттиқ қўркув билан турган бир пайтда, савол-жавоб қилиш учун “Мункар ва Накир” деб аталмиш икки фаришта даҳшатли бир суратда кириб келадилар. Бу эса, унинг қўркувини янада ошириб юборади. Қабрда унинг устига



қат-қат қопланиб қолган мазкур қоронғи—зулматларни учинчи чироқ – “**Ла Илаҳа иллаллоҳ, Мұхаммадур-Расулуллоҳ**” чироғининг нуригина тарқатиб юбориб, унинг қабрини нурга тўлдира олади.

**Учинчи чироқ: Ла илаҳа иллаллоҳ Мұхаммадур-Расулуллоҳ**

Ушбу калима билан исломга кириб, шариатга мувофиқ ҳаёт кечирган ва бу дунёдан кетар ҷоғида ҳам ҳаёти мана шу калима – Ла илаҳа иллаллоҳ Мұхаммадур-Расулуллоҳ – билан хотима топган шахс энг баҳтли кишидир. Аммо ҳаёти ушбу муборак калима билан якун топмай, балки, бу калиманинг зидди бўлган ҳар-хил калималар билан тугалланган шахс эса, энг баҳтсиз кимсадир. У то рўзи қиёмат ётадиган жойи – қабрдаги зулматларни ёритувчи нурафшон чироқ – “Ла илаҳа иллаллоҳ Мұхаммадур-Расулуллоҳ” калимасидан маҳрумдир.

“Унинг олдига “Мункар ва Накир”, деб номланган икки фаришта келиб, ундан: “Раббинг ким”? — деб, сўрайдилар. Унинг эса, тили калимага келмай: “Хооҳ, ҳооҳ билмайман”— дейишдан нарига ўта олмайди. Улар: “Дининг нима?”—дейишади унга. У: “Хооҳ, ҳооҳ билмайман”— дейди. Улар: “Сизларнинг ораларингизга пайғамбар қилиб юборилган киши ҳақида нима дейсан?”— дейдилар. У, пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг исмларини билолмайди. Унга, у зотнинг исмлари Мұхаммад — деб айтиб ҳам берилади. У эса: “Хооҳ, ҳооҳ билмадим, одамлар шундай дейишганини эшитгандим”— дейди. Пайғамбар саллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: “Билмадинг, ўқимадинг!”— дейилади унга. Шунда осмон тарафидан бир нидо қилгувчи шундай нидо қиласи: “У, (Аллоҳни, динини ва Расулинини) инкор қилди, унга оловдан жой тўшанглар ва (қабридан) унинг учун дўзах томонга бир дарча очинглар; унга дўзахнинг иссиғи,



гармселларидан келиб туради” ва қабрини торайтирилади, натижада қовурғалари бир-бирига киришиб кетади...” (Абу Довуд ривоят қилган узун ҳадиснинг бир бўлаги)

Мана шу савол-жавобдан кейин у ўзининг дўзахдан олажак жойидан ўзга ҳеч нарсани кўрмайди, ҳасрат-надоматлар билан дод-фарёдлар қиласди. Унинг фарёдларини инс ва жинлардан бошқа барча жондорлар эшитадилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: “Кимнинг охирги сўзи “Ла илаҳа иллаллоҳ” бўлса, жаннатга дохил бўлгай” (Имом Ҳоким ривояти)

Умрининг охирги лаҳзаларида ушбу муборак калимани нутқ этиш эса, ҳаёти давомида мана шу калима билан яшаган, унинг талабларига биноан амал қилган, бирорни яхши кўрса мана шу калима учун яхши кўрган, ёмон кўрса ҳам ўша учун ёмон кўрган - бир сўз билан айтганда мўъмин-мусулмон бўлиб ҳаёт кечирган кишигагина насиб этади. Аммо бу муборак калимадан юз ўтирган ва бу дунёning зеб-зинатларига машғул бўлган ва бу дунёда яшашдан мақсади фақатгина еб-ичиш, ўйин-кулги ва жонинингроҳатидан иборат бўлган кимса эса, ўз ихтиёри билан юз ўтиргани “Ла илаҳа иллаллоҳ” калимасини бу дунёдан кетар чоғида асло нутқ қила олмайди.

Ха, азизлар! Юқорида айтиб ўтганларимизни яхши тааммул қилиб кўрсангиз, албатта, гўр деб аталмиш жой зулмат қоплаб олган мудҳиш бир ўрин эканлиги ва ўша даҳшатли қоронғи-зулматни тарқатиб юбориб, қабрингизни нурга тулдиргучи нурли чироқ “Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадур-Расулуллоҳ” калимаси эканлигин яхши англаб етгайсиз.